

**ДОРИВОР ЛАВАНДА (*LAVANDULA ANGUSTIFOLIA* MILL.)
ЎСИМЛИГИНИНГ ИНТРОДУКЦИОН БАҲОЛАШ****Хомидов Жасурбек Жамолдинович***таянч докторант¹,***Тўхтаев, Бобокул, Ёрқулович***б.ф.д., профессор².**Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти таянч докторанти¹,**“Шафран илмий-тадқиқот маркази” директори².**Тел; +99899-901-10-08. email: andijonlavanda@mail.ru*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4901-сон қарорида Республика ҳудудларида доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашга доир илмий тадқиқотларнинг ягона базасини яратиш, хорижий давлатларнинг илғор илмий ишланмаларини ўрганиб бориш, етакчи илмий муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда замонавий технологиялар, илмий ишланмаларни республикага жорий этиш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни кучайтириш масалаларига белгилаб берилган [1].

Илмий изланишларимизда режалаштирилган тадиқотлар Доривор лаванда (*LAVANDULA OFFICINALIS* L.) нинг Фарғона водийси иқлим ва тупроқ шароитида интродукцияси ва иқлимлаштирилиши ушбу доривор, озиқ овқат, пафюмерия ва нектарбоп ўсимликни маҳаллий шароитда катта масштабда плантацияларини ташкил этиш ва хом-ашё базасини яратиш мақсад қилинган.

Ўсимликнинг систематикаси. Доривор ёки ҳақиқий лаванда (*Lavandula angustifolia - officinalis*), Лаванда (*Lavandula*) туркуми, Лабгуллилар (*Lamiaceae*) оиласига мансуб ярим бута ўсимлик.

Доривор лаванда ўсимлигининг турли хил экологик омиллар яъни ижобий ёки салбий омилларга мослашишида ўсимлик атроф мухит шароитлари (хаво харорати, нисбий намлиги, тупроқ унумдорлиги, ёруғлик ва бошқалар) таъсирида ривожланиши ва ўзидан уруғ колдиришга, салбий таъсирларга мослашиш ва юкори махсулдорлик учун адабтатив химояланади[3; 16-20-б, 4; 56-57-б, 5; 231-б.]

Турли тупроқ ва иқлим кўрсаткичлари ўсимлик ниҳолларнинг ўсиши ва кўкарувчанликга тупроқ ҳамда иқлим омиллари турлича таъсир этаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ўсимликлар интродукциясининг муваффақияти ундаги белгилар йиғиндиси билан баҳоланиб, улардан энг муҳими ўсимликнинг катта (онтогенетик) ва кичик (мавсумий) ҳаёт цикллари ўтишининг тўлиқлиги бўлиб ҳисобланади. Ўсимликнинг интродукция натижаларини таҳлил қилиш ва даражасини аниқлаш учун Б.Ё.Тўхтаев томонидан ишлаб чиқилган шўр ерларда доривор ўсимликларнинг интродукцион

баҳолаш 5 кўрсаткичли шкаласи асосида баҳоладик ва интродукцион натижавийлигини аниқладик. Шунингдек, ушбу шкалага ўсимликларнинг зараркунанда ва касалликларга чидамлилигини ҳисобга олиб бир кўрсаткични кўшдик ва шкалада умумий бални 100 балл миқдорида баҳоладик[2; 16-153-б].

Доривор лаванда *Lavandula angustifolia* Mill. ўсимлигининг шўрланишга чидамлилигига кўра, -ўртача чидамли, намликка бўлган талабига кўра- кам, юқори ҳароратга нисбатан ҳолатига кўра-ўртача чидамли, ва паст ҳароратга нисбатан ҳолати билан чидамли, табиий ҳолда кўпайишига кўра - жадал. Шундай қилиб, *Lavandula angustifolia* Mill. ўсимлиги Фарғона водийсининг шўрланган тупроқларида 90 балл билан ўрта истиқболли ўсимлик тури сифатида баҳоланди (1- жадвал).

Доривор лаванда *Lavandula angustifolia* Mill ўсимлиги вегетация давомида барча маданий ўсимликлар каби моғорлаш касаллиги билан касалланиши аниқланди. Айниқса соя ерда экилган ўсимликлар тез касалланади. Моғорлаш касаллигини олдини олиш ва даволаш мақсадида агротехник тадбирлар ўсимликка шакл бериш, биологик маҳсулотларни куллаш тавсия этилади: Biosept 33 SL (0,1%), Aliette 80 WP (0,2%) yoki Mildex 711,9 WG (0,1%) yoki сув: Previcur 607 SL (0,2%) yoki Previcur Energy 840 SL (0,2%) препаратидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1-жадвал

Доривор лаванда *Lavandula angustifolia* Mill.нинг ўсимлигини интродукцион шкала асосида баҳолаш.

№	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар даражаси						Юқори баҳо
		кучли	20	ўртача	15	паст	5	
I	Шўрланишга чидамлилиги	кучли	20	ўртача	15	паст	5	15
II	Намликка бўлган талаби	кам	15	ўртача	10	кўп	5	10
III	Юқори ҳароратга нисбатан ҳолати	чидамли	15	ўртача	10	чидамсиз	5	20
IV	Паст ҳароратга нисбатан ҳолати	чидамли	15	ўртача	10	чидамсиз	5	15
V	Табиий ҳолда кўпайиши	жадал	20	ўртача	15	кўпаймайди	5	20
VI	зараркунанда ва касаллик-ларга чидамли-лиги	чидамли	15	ўртача	10	чидамсиз	5	10
Жами								90

Эрта баҳорда ўтказилган умумий 1200 дона қаламчалардан 827 донаси (68,7%), кузда ўтказилган 1200 дона қаламчалардан 612 донаси (51.1 %) ўсди. Тажрибадаги бир йиллик ўсимлик новдалардан эни 0,4-0,6 мм, ўсимлик бўйи 44,5-49.4 см, икки йиллик ўсимлик бўйи 55,9-58,6 см, ўсимлик диаметри 1,5-2,1 см, уч йиллик ўсимлик бўйи 55,3-63,35 см, бир йиллик уруғва қаламча ниҳолларнинг яшовчанлиги ижобий бўлди.

Lavandula angustifolia Mill. Генератив даври ўсимликларнинг 1- вегетатив йилидан бошланади, 45-55 % ўсимликлар биринчи йилиданок генератив даврга ўтади. Лекин уруғ ҳосил қилмайди.

Шу билан бирга тупроқ ҳароратини юкорилиги ёш ўсимликларни биринчи йилида илдиз тизимига ҳам бироз салбий таъсир этиб, уларнинг жадал ривожланиши учун нокулайлик яратди. Бунинг натижасида экилган доривор лаванда ўсимлигининг 15-20 % (Ёзёвон) кўчатлари нобуд булди. Андижон ва Пахтаобод туманларида хаво ва тупроқ-иқлим шароитини лаванда ўсимлиги учун қулай бўлганлиги кўчатларнинг 2-4 % дагина йўқотишларни келтириб чиқарди. Ўсимликларда экиш муддатлари бўйича олиб борган илмий тажрибаларга кўра, ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши (тутиб кетиши)да энг юкори кўрсаткич баҳорда экилган ўсимликларда аникланиб (92 %) ва кузги (94 %) экилган ўсимликларда кўрсаткич юкори, бироқ ёзги (82 %) пастрок бўлди.

хулоса

Lavandula angustifolia Mill. нинг шўрланишга чидамлилиги -ўртача чидамли, намликка бўлган талабига - кам, юкори ҳароратга нисбатан ҳолати-ўртача чидамли, паст ҳароратга нисбатан ҳолати эса чидамли, табиий ҳолда кўпайишига кўра- жадал. *Lavandula angustifolia* Mill. ўсимлиги интродукция шароитида 90 балл тўплади ва истиқболли тур деб баҳоланди.

Доривор ингичка баргли лавандани интродукцияси ва биоэкологияси ўсиб ривожланиши. Фарғона водийсининг турли иқлими ва тупроқ шароитларида тажриба йилларида олинган натижалар шуни кўрсатдики водининг сув билан кам таъминлангантоғ олди адирлик худудлари ва қисман шўрланган ерларда доривор ингичка баргли лаванданинг кенг масштабли плантацияларини ташкил этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

1. 2020 йил 26 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4901-сон қарори
2. Тўхтаев Б.Ё. Ўзбекистоннинг шўр ерларида доривор ўсимликларнинг интродукцияси. //Дис. док. биол. наук. –Тошкент, 2009. -16-153 б.
3. Головки, Т.К. Физиологические механизмы устойчивости и продуктивности растений в условиях холодного климата / Т.К. Головки // Международная конференция «Современная физиология растений: от молекул к экосистемам». – Сыктывкар, 2007. – Ч.1. – С. 17–19.
4. Колоша, О.И. Устойчивость растений к неблагоприятным температурным условиям среды О.И.Колоша, И.И. Костенко. – К.: Наукова думка, 1976.–57 с.
5. 97.Колупаев, Ю.Е. Формирование адаптивных реакций растений на действие абиотических факторов Ю.Е. Колупаев, Ю.В. Карпец. – Киев: Основа, 2010.–С. 231.